

Journal of Social Research in Uzbekistan**SPIRITUAL HARM IN ISLAM AND ITS CHARACTERISTICS****Lola Saibzhanovna Saidova**

Lawyer

Advocacy office "LAWYER LOLA SAIDOVA"

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Moral damage, Islam, diya, reparation, Koran, expiation, punishment, guilty, victim, intention, carelessness.

Abstract: The article talks about how material and moral damage caused to the victim as a result of an offense or crime is compensated in Islam, and the amount of compensation for damage

Received: 03.02.24**Accepted:** 05.02.24**Published:** 07.02.24**ИСЛОМДА МАЪНАВИЙ ЗАРАР ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ****Лола Саибжановна Саидова**

Адвокат

"ADVOKAT LOLA SAIDOVA" Адвокатлик бюроси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маънавий зарар, ислом, дия, тоvon, Куръон, каффора, жазо, айбдор, жабрланувчи, қасд, эҳтиётсизлик.

Аннотация: Мақолада содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки жиноят натижасида жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар ислом динида қандай қопланиши, зарар учун ундириладиган тоvon микдорлари ҳақида сўз боради.

ДУХОВНЫЙ ВРЕД В ИСЛАМЕ И ЕГО ХАРАКТЕРИСТИКИ**Лола Саибжановна Саидова**

Адвокат

Адвокатское бюро "ЮРИСТ ЛОЛА САИДОВА"

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Моральный ущерб, ислам, дия, возмещение, Коран, искупление, наказание, виновный, жертва, намерение, неосторожность.

Аннотация: В статье говорится о том, как в исламе возмещается материальный и моральный вред, причиненный потерпевшему.

КИРИШ

Ҳуқуқбузарлик ёки жиноят натижасида шахснинг кўрган руҳий азоблари тушунчаси ва уни қоплаш ҳақидаги нормалар Ўзбекистон Республикасида мустақилликдан кейин кириб келган бўлсада, бизнинг тарихимизда, жумладан ислом ҳуқуқида бундай тушунчанинг мавжуд эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистон ҳудудларида ҳам содир этилган жиноят учун товон тўланганлиги тўғрисида тарихда қизиқарли маълумотлар мавжуд. Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудларида зардуштийлик дини кенг тарқалган бўлиб, таълимотнинг асоси “Авесто” китобида ўз ифодасини топган. “Авесто”да ёмонлик ва яхшилик тушунчалари, қандай ҳаракатлар жиноят эканлиги ва ушбу содир этилган жиноятларга бериладиган жазо турлари ҳақида ёзиб ўтилган. “Авесто”да бешта санаб ўтилган жиноятлардан ташқари барча жиноятлар учун товон тўлаш мумкин бўлган. Бундан ташқари “Авесто”да айрим жиноятлар учун товон тўлашдан ташқари ҳуқуқбузарнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиб товба қилганлиги ёки зардуштийлик динини қабул қилганлиги учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш билан ҳуқуқбузарларга енгилликлар берилган. Ўрта Осиёда араблар босқинигача бўлган даврда “Авесто” қонун қоидалари амал қилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

VIII асрдан бошлаб Ўрта Осиёда ислом дини кириб келиши билан жамиятдаги муносабатлар шариат асосида тартибга солина бошланди. Ислом ҳуқуқида ҳам жабрланувчи жиноят содир этган шахсдан қасос олиш ёки ундан товон олиш ёхуд уни кечирish ҳуқуқларига эга эканлиги билан бошқа ҳуқуқ институтларига ўхшаб кетади.

Шариат (арабчадан таржимаси тўғри йўл, ҳаёт тарзи) – мусулмонларнинг эътиқоди, иймони ва маънавий қадриятларини белгиловчи аҳкомлар мажмуидир.

Шариат аҳкомлари аввало Қуръон ва Муҳаммад (С.А.В) пайғамбар суннатлари билан мустаҳкамланиб, мусулмонлар ҳаётнинг деярли барча жабҳаларини тартибга солувчи аниқ нормалар манбаи бўлиб ҳисобланади.

Шариат аҳкомлари уч тоифага бўлиниб, булар: Оллоҳга қай тарзда хизмат қилиш ва У Зот томонидан маъқулладиган ҳаёт тарзи (ибодат), бошқа инсонлар билан қай тарзда муносабатга киришилади (муомалат) ва юқоридаги икки тоифадаги аҳкомларни бузганлик учун қандай жазолар кўзда тутилади (укуба).

Исломда жамият манфаати йўлида жиноят содир қилган шахсга қўлланиладиган жазо шариатда укуба деб номланади. Жазо чораси ҳар бир жиноятни пухта ўрганиб чиққан ҳамда шариат қонунлари асосида ҳукм чиқарадиган судья (қози) томонидан белгиланади. Укуба

Ислом илк манбаларининг (Қуръон ва Сунна) тўғридан тўғри ҳукмлари асосида қўлланилади. Таъсир доираси ва эгаллаб турган мавқеидан қатъий назар барча шахслар ўз қилмишлари учун жавобгарликка тортишлари шарт, жазо меъёри эса содир қилинган қилмишга тўла мос келиши керак.

Жазо турлари уч турга бўлинади: тўсқинлик қилувчи жазолар (ҳад), қасос олувчи жазолар (қасос, дия, каффора, меросдан маҳрум қилиш) ва огоҳлантирувчи жазолар (таъзир).

Қасос олувчи жазоларга: қасос (ўч), дия (зиёни қоплаш), каффора (товон тўлаш) ва меросдан маҳрум қилиш киради. Бу жазолар инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши бўлган турли жиноятлар учун қўлланилади. Қасддан одам ўлдирганлик учун ўлим билан жазоланади. Бироқ алоҳида ҳолларда қасос ўлдирилган учун товон олиш (каффора) ёки зиён ўрнини тўлдириш (компенсация-дия) ва зарарни қоплаш билан алмаштирилиши мумкин. Эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдирганлик ҳамда тан жароҳати етказганлик учун дия тўлаб берилади.

Исломшунос олим Абдулла Али Аҳмад Мукбалнинг қайд этишича, “соғлиққа зиён етказиш, ҳатто узоқ бўлмаган вақтга бўлса ҳам, жисмоний, руҳий, кўпгина ҳолларда моддий ва маънавий зиён етказиш билан боғлиқ бўлади. Инсоннинг соғлиғидан маҳрум қилиш жабрланувчининг нормал ҳаёт тарзи, меҳнат қилиши, давлат ва жамоат фаолиятида иштирок этиш учун қўшимча харажатлар қилиниши тақозо қилади”.

Қуръонда жиноятлар содир қилинганлик учун жазо ва кечириш чораларини кўзда тутувчи қуйидаги оятлар мавжуд: “Ва Биз улар учун қасос олишни буюрдик, жон учун жон, ва кўз учун кўз, ва бурун учун бурун, ва кулоқ учун кулоқ, ва тиш учун тиш, жароҳат етказиш. Кимки бунинг учун қурбонлик келтириб эҳсон қилса, бу унинг учун товон тўлашдир. Кимлар Оллоҳ буюрганидан бошқача тарзда ҳукм этса, улар адолатсиздирлар”, 554 “Ёмонликка эргашиш ёмонликнинг ўзидир. Бироқ кимки ундан кечиб, келишса, - мукофоти унга Оллоҳдандир. У Зот адолатсизларни яхши кўрмайди!”.

Шариатда содир этган ҳуқуқбузарлик (жиноят) учун тўланадиган товон, яъни компенсация бу диядир.

Дия – эҳтиётсизлик орқасидан содир қилинадиган жиноят учун айбдор томонидан тўладиган товондир. Бундай жиноятларга одам ўлдириш, жароҳат етказиш ёки майиб қилиш киради. Қасддан одам ўлдирилганда марҳумнинг қариндошлари ва яқинлари ўч олишни талаб қилишлари мумкин (қасос). Улар қотилга ўлим жазоси қўллашни ёки ундан товон тўлашни таклиф қилишлари мумкин. Шариат қозиси марҳумнинг қариндошларига мажбурламаган ҳолда товон олишга рози бўлишни тавсия қилиши мумкин. Агар одам ўлдириш ёки жароҳат етказиш эҳтиётсизлик орқасидан содир қилинган бўлса, бу ҳолларда қасос қўлланилмайди, балки фақатгина дия тўлаш билан чекланилади. Дия Исломга қадар бўлган давр мобайнида кенг қўлланилиб, кейинчалик Исломда қабул қилинган ва Қуръонда эътироф этилган.

Диянинг миқдори ва шакли суд томонидан белгиланади, бироқ тарафлар томондан бу масалада хусусий келишувга эришилиши мумкин. Товон миқдори марҳумнинг жинси, диний эътиқоди ва ижтимоий мавқеига боғлиқ бўлади. Муҳаммад (С.А.В) пайғамбарнинг Суннатида кўра, диянинг тўлиқ миқдори 100 олтин динорга ёки юз туяга тенгдир.

Ҳанафийлар фикрича, дия сифатида 200 та сигир ёки 2000 та қуй миқдорида тўловни амалга ошириш мумкин. Агар жиноят содир қилган шахс ёки жиноят қурбон аёл бўлса, дия миқдори икки баравар камайтирилади. Ҳанафийлар мазҳабида кўра, мусулмон давлатининг мусулмон бўлмаган фуқароларини ўлдириш учун тўладиган товон миқдори мусулмонни ўлдирганлик учун тўланадиган дия миқдorigа тенгдир (яъни 1000 динор). Шофийлар қарашларига кўра, мусулмон бўлмаган шахсни ўлдирганлик учун тўланадиган товон миқдори мусулмон кишини ўлдирганлик учун тўладиган диянинг ярмига тенгдир. Қулни ўлдирганлик учун товон унинг эгасига тўланади. Бунда қул учун тўланадиган дия миқдори озод шахс учун тўладиганидан кўра камроқдир. Агар қул айбдор бўлса, дия унинг эгаси томонидан тўланади.

Агар айбдор дияни тўлашга қурби етмаса, унинг етмаган қисми яқин қариндошлари томонидан тўланади. Агар жиноятни содир қилган шахснинг товон тўлаш учун ҳеч қандай маблағи ёки қариндошлари бўлмаса, бундай ҳолларда товон мусулмоннинг давлати томонидан давлат хазинаси орқали тўлаб берилади.

Дия қасддан одам ўлдирганлик, тан жароҳати етказганлик ёки майиб қилганлик учун қисқа муддатлар ичида тўланиши белгиланади, эҳтиётсизлик орқасидан жиноятлар содир қилинганда – 3-5 йил ичида тўланиши мумкин. Тан жароҳати етказганлик ёки майиб қилганлик учун дияни жабрланувчининг ўзи ёки унинг вакили олади, қасддан одам ўлдирганлик учун дия эса марҳумнинг меросхўрлари ўртасида мерос товони сифатида тақсимланади.

Маънавий зарарни ундириш тарихдан кўриниб турибдики, давлатчилик пайдо бўлганидан бери ҳуқуқ олдидаги муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Жабрланувчига маънавий зарарни ундириб бериш масаласи ҳалигача ўзининг аниқ бир ечимини тополганича йўқ.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида маънавий зиённи қоплашга қаратилган нормалар 1997 йил 1 мартдан Фуқаролик кодексига киритилди ва ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан жўшқин бахс ва мунозаралар билан ўрганилаётган ҳуқуқ институтига айланди. Ҳозирги кунда бутун дунёда маънавий зарар субъектлари ва объектлари доираси тобора кенгайиб бормоқда, келажакда уни ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқшуносларга анча муаммолар туғдиради, назаримда. Ўйлайманки, келажакда жабрланувчининг кўрган руҳий ва жисмоний

оғрикларининг миқдори ва қопланиши лозим бўлган сумма ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан аниқ механизмлар билан ишлаб чиқилади, бу эса судларимиз томонидан янада адолатли қарорлар чиқарилишига ва халқимизнинг судлардан рози бўлишига сабаб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абайлдаева А.Н. “Ретроспективный анализ особенностей компенсации морального вреда в правовых семьях, наука, новые технологии и инновации Кыргызстана” № 1, 2018
2. Халиков Абдурахим Гаффорович “Зороастрийское право и проблема классификации преступлений” E-mail: nazir.azimov.79@mail.ru
3. Али-заде, 2007
4. Куръон Карим, 42 сура, 38 оят, И.Крачковский, маънолар таржимаси
5. Ислам: ЭС, 1991, Дийа, с. 69.